ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 25 (252) | 2001 йил 20 июн, чоршанба | Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган | Сотувда эркин нархда

БУГУН МАҲАЛЛАДА

ҲИСОБОТ-САЙЛОВЛАР ҚАНДАЙ ЎТМОҚДА?

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида ўзини ўзи бошқарув органларига сайловлар ниҳоясига етди. Ўтган шанба куни туман ҳокимияти мажлислар залида бўлиб ўтган йиғилишни умумий маънода ҳисобот-сайловлар якунига бағишланди дейиш мумкин.

Аммо йиғилишнинг мазмуни унинг моҳияти катталигини кўрсатиб турди. Аввало йиғилишни очиб, кун тартибидаги масалалар бўйича маруза қилган туман ҳокими Адҳамжон Миржалилов бўлиб ўтган сайловлар натижаси ҳақида батафсил тўхталди ва бу ҳисобот-сайлов натижасида сайланган оқсоқол ва унинг маслаҳатчиларини қутлаб, самарали фаолиятга чорлади. Шундан сўнг ҳисобот-сайловларни ўтказиш давомидаги ишлар таҳлил этилди. Ундаги яхши ва ҳатто йўл қўйилган хатолар ҳақида ҳам сўз борди. Шундан сўнг йиғилганлар яъни асосан қайта ва янгидан сайланган оқсоқол ва маслаҳатчиларнинг вазифалари, масъулиятлари уқтирилди.

Шундай қилиб, туманлаги 56 маҳалланинг ҳаммасида ҳисобот-сайловлар бўлиб ўтди. Шулардан 10 тасида янги оқсоқоллар сайланди. Оқсоқоллар орасидан уч нафари хотин-қизлар. Ҳисобот-сайловларда 10 мингдан зиёд фуқаролар бевосита қатнашдилар.

- Бу галги ҳисобот-сайловларда нафақат оқсоқол ва маслаҳатчиларни сайлаш балки, ўша сайловларга вакиллар сайлашда ҳам фуқароларимиз фаол бўлди, - деди жумладан Адҳамжон Миржалилов, - ҳисобот-сайлов йиғинларида сайланган вакилларга қўшимча равишда 30 фоиз фуқаро қатнашганлигини айтмайсизми? Бу гал тафтиш комиссияларининг ҳисоботи ҳам асосан қаноатланарли деб топилди. Агар биз ҳисобот-сайловлар барча жойларда бир хил, текис ўтди десак хато бўлади. Ҳозирча учта маҳалладан тушган шикоятлар текширилмоқда. Бу ҳолни ҳам табиий ҳол, аниқроғи, туман аҳолисининг ўзини ўзи бошқарув органлари ҳаётига бефарқ эмаслигидан деб биламан. Хуллас, бу шикоятларда ҳам, оқсоқолларнинг кейинги фаолиятида ҳам қонун устиворлиги таъминланиши шарт.

Йиғилишда туман ҳаётига оид, аниқроғи маҳалла фаолиятига боғлиқ вазифалар бир-бир эслаб ўтилди. Бу бежизга эмас. Зотан бунда янгидан иш бошлаган оқсоқол ва фаоллар ўз масъулиятини ҳис этишлари керак бўлади.

Йиғилишда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси раиси, Олий Мажлис депутати Шуҳрат Жалилов иштирок этиб, жамиятимизда маҳалла фаолиятининг бугунги ўрни, XXI аср маҳалласини шакллантиришда оқсоқол ва маслаҳатчиларининг вазифаси ҳақида тўхталди. Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Рихситилла Акрамов, пойтахт шаҳар Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлими раиси Аъзамжон Гадойбоев шаҳар маҳаллаларининг ўзига хос томонлари ва бунда оқсоқоллар фаолиятининг ўрни хусусида, туман прокурори Саидакбар Рўзиев маҳалла аҳли ва фаолларининг жиноятчиликнинг олдини олишдаги ҳамда жазо муддатини ўтаб қайтган ёки бошқа сабаблар билан жазо муддатини ўташдан озод қилинган фуқаролар билан ишлаш йўллари ҳақида сўзладилар.

Йиғилиш сўнггида туман маҳаллалари оқсоқол ва маслаҳатчиларига оқ йўл тиланди.

МУХБИРИМИЗ.

Ҳисобот-сайловлар ҳақида 2-саҳифада ўқинг.

Оналар ва болалар йили туҳфаси

Тошкентдаги Марказий «Пахтакор» ўйингоҳи. Бу ўйингоҳ шанба куни футболимиз келажаклари бўлган азиз болажонларимиз билан гавжум бўлди.

«ПАХТАКОР»ДА «ПАХТАКОР» КЕЛАЖАКЛАРИ

Мамлакатимиз ва жаҳоннинг энг донгдор футболчилари тўп сурган яшил майдонда «Биз - «Пахтакор» келажагимиз» шиори остида шонли жамоамиз анъаналарини давом эттириб, футболимиз шуҳратини янада баландроқ даражага кўтаришни орзу қилган 9-11 ёшли болалар саф тортган. Спорт либослари ўзларига ярашган бу болаларнинг нигоҳларида қувонч ва ҳаяжон барқ уриб турарди. Чунки бу яшил майдонда тўп суриш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Тошкент шаҳар маҳалла ўсмир болалари ўртасидаги ҳал қилувчи ўйинда барча рақибларини доғда қолдириб, 9-11 ёшли болалар ўртасида Тошкент чемпиони номини олиш учун икки жамоа майдонга тушди.

Майдонда Чилонзор тумани Шарқ маҳалласи ва А.Икромов тумани Оқ-тепа маҳалласи жамоалари. Ўйингоҳга йиғилган кўп сонли мухлислар ўз маҳалла жамоаларини шарқона тарзда қарнай, сурнай ва доира садолари билан қўллаб туришди. Ҳаммаси худди катта футболдагидек.

Ўйин бошланиши билан ҳар икки жамоа ўзларини нимага қодирлигини кўрсатиш учун астойдил ҳаракат қилишди. Ёш футболчилар бекорга финал ўйинида қатнашмаётганларини исбот этишди.

Ҳакамнинг ўйин тугаганлиги ҳақидаги ҳуштаги янграши бу ўйинда «Шарқ» жамоаси 5:3 ҳисобида ғолиб чиққанлигини билдирди. «Шарқ» жамоаси республика миқёсидаги «Футболимиз келажаги» совринни учун курашни давом эттиради.

Э.УМАРОВ.

Суратда: «Шарқ» жамоаси.

«Футболимиз келажаги» ҳақида 4-саҳифада ўқинг.

«MAHALLA»ГА ЖАВОБ:

«НОМИНГИЗДАН УЯЛМАЙСИЗМИ?»

(2001 ЙИЛ 9 МАЙ)

Мазкур танқидий мақолада тумандаги «Қизил Юлдуз», «Қизил Тўлқин», «Деҳқонбирлашув», «Деҳқон Иттифоқ» маҳалла фуқаролар йиғинларининг номи ҳозирги кунга қадар ўзгартирилмасдан қолаётгани айтиб ўтилди. Лекин туман ҳокимининг 1999 йил 23 июллаги 490-сонли қарори билан ҳозирги кунда «Қизил Юлдуз» маҳалласи «Зартепа», «Қизил Тўлқин» маҳалласи «Тўлқин» маҳалла фуқаролар йиғини деб юритилмоқда.

Ҳозирги кунда «Деҳқонбирлашув», «Деҳқон Иттифоқ» маҳаллаларининг номларини ўзгартириш борасида тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Маҳаллалар номлари ўзгариши билан туман ҳокимлиги сизга қўшимча маълумот тақдим этади.

А.КЎЧКИНОВ,
Ангор тумани ҳокими.

2-саҳифада

«MAHALLA»ГА МАКТУБЛАР

Маҳалла - қайноқ ҳаёт маскани. Бу масканда одамлар бир-бирларини аяб-ардоқлаб, бир-бирларига суяниб яшашади. Ўғил-қизлар вояга етиб, ёш оилалар пайдо бўлади. Янги авлод яратилади. Шу аснода маҳалла кенгайиб, янгиланиб, қудратли бўла олади. Бу жиҳатдан маҳалла ҳаёти жамият ҳаётига ҳам дахлдордир. У жамиятнинг кўзгуси, миллатнинг бешиги. Кучли миллатнинг оёққа туриши ҳам маҳалла ҳаётига кўп томонлама боғлиқ... Маҳалланинг етакчиси қандай иш юритади? Оилалар аҳволи қай даражада? Фарзандлар тақдирига масъулиятлик туйғуси барқарорми? Ота-оналар ва маҳалла фаоллари ҳамжиҳатми? Савоб ва эзгу ишларга қўл урилянтими? Демак, бундай саволларга ижобий жавоб топа олсаккина, маҳалла ҳаётига ибратли эканлиги маълум бўлади. Юртимизда ибратли маҳаллалар кўп! Шунинг учун ҳам биз жадал илгарилаяпмиз.

Таҳририятга келаётган мактублар ҳам асосан маҳаллалар ҳаёти ҳақида. Хат муаллифлари ўз ташвишу қувончларини, ўзлари яшаётган маҳаллага муносабатини очиқ-ойдин ёзишган. Таклифлар киритишган. Фикр-мулоҳазаларини баён этганлар. Шу баробарида маҳалла етакчининг иш фаолиятига холисона баҳо беришган.

Турли мавзуларда ва турлича мазмундаги ушбу мактублар сиз ўқувчиларга юртимиздаги маҳаллалар ҳаётидан сўзлайди.

ШИУ СОННИНГ

2-саҳифасида:

- **Оқсоқол сайловдан мамнун.**
- **Зиёд ака минг ойлик бўлибдилар.**
- **Тингловчининг маҳалла ҳақидаги тасаввури.**

3-саҳифасида:

- **Болаликдаги қўшничиликни соғинган муштарийни ҳам тушунса бўлади.**
- **Косонлик оқсоқоллар оқсоқолининг таклифлари кўп. Жумладан у ҳар маҳаллада жамғарма бўлсин, дейди.**

4-саҳифасида:

- **Фаришта инсонийлик йўқ, инсонда эса оз бўлса-да фаришталик бор. Шу боис инсон фаришталдан улуғроқ, дер эдилар марҳум Ғайбулла ас-салом.**
- **Кўпнинг фикрига қўшилинг.**
- **Сурхондарёликлар ўзларидан Пеле чиқишини орзу қилса дарров, туя ҳақидаги мақолни эсламанг. Буни келажак кўрсатади.**

Автобусда борардим. Ёнимдаги ўриндиқда бир ўқувчи бола сумкасидан дафтар ва бўёқ қалам олиб иштиёқ билан расм соларди. Тўғрироғи, дафтар муқовасидаги «севимли хонанда» суратига ажиб янгиликлар киритарди.

У хонанданинг йўқ мўйловини бор қилди. Ҳатто қулоғига сирға ҳам қадади. Кейин бир оз сукутга чўмгач, ихтирода давом этди: зум ўтмай хонанданинг суратдаги кўзларига қора кўзойнак ҳам тақилди.

Ҳаддимиз чегараси борми?

ДАФТАР ЮЗИДАГИ «ЮЛДУЗ»ЛАР

Дарвоқе, ҳаммамиз ҳам бола бўлганмиз. Эътибор қилсангиз, мактаб парталарини бирор карра озода ҳолда кўрмайсиз. Боиси бу ускунанинг юзи ўқувчиларнинг саъй ҳаракатлари билан турли хил расмлар ва аллақандай сўзлардан холи қолмайди. Дафтарларнику асти қўяверасиз. Муаллимнинг назари кўпроқ тушадиган варақлар кўпинча «Юрак», «Юракка санчилган ханжар», «LOVE» ва ҳоказолар билан тўлиқ бўлади. Ҳа, биз бола эдик-да.

Бир ўйлаб кўринг, шубҳасиз дафтар муқовасида бирор сурат бўлса (У кимнинг сурати бўлишидан қатъий назар), юқоридагидек бежалмаслиги мумкинми? Зеро дафтар ўқувчининг бир бора ишлатиб, кейин ташлаб юборадиган ўқув қуроли. Шунинг учун ўқувчи ундан ўзи истагандай фойдаланади. Бу ўринда агар биз ўша санъаткор ўрнида бўлсак, аввало ўқувчидан хафа бўлишдан аввал, ўқувчи олдида нега унинг сабоқ ўрганиши лозим бўлган дафтари юзидан ўрин олганлигимиз учун, унинг ўқув қуролининг қимматлашувига, дарсда сабоқдан чалғишига олиб келганлигимиз учун жавоб берамиз.

Айтгандай, кейинги пайтларда матбуот саҳифаларида «Баъзи хонандалар хорижликларга тақлидга берилиб кетди» деган сўзлар кўпайиб бораётган бир паллада хонандаларимиз тақлиднинг мана шундай янги турига қўл уришди. Зотан кузатган бўлсангиз, «Титаник» филмининг охиргиси яратилгач, кўпгина дафтар муқоваларида ушбу фильмдан лавҳалар пайдо бўлди. Кейинчалик, ажнабий санъаткорларнинг суратлари кўрина бошлади. Мана энди эса ўзимизнинг санъаткор «юлдуз»ларимизнинг суратлари дафтарлар юзига чиқди.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Ўқувчилик йилларимда бир кекса суратчи мактабимизга тез-тез келиб турарди. У суратга тушуриш баробарида қинд кино юлдузларининг суратини сотиб кетар, хуллас, шу одам келиб-кетгач, ҳар бир дарсимиз хуфёна ҳинд киносининг муҳокамаси билан ўтарди. Дарсдан чалғирдик. Энди эса... ўқувчи ёшларимиз ёш санъаткорларимизнинг суратини дафтарлар муқовасида «эъзозлаб» кўтариб юрадиган кунларга ҳам етиб келдик. Бошқача айтганда, фарзандларимизнинг билим олишдан чалғитувчи воситалар яна биттага кўпайди. Агар синфда 40 бола бўлса, дафтарини сумкадан олиши билан 40 та расм пайдо бўлади. Улар шубҳасиз бир-бирига кўрсатади. Кимдадур бир хил сурат иккита бўлса, иккинчиси билан алмашади. Тасаввур қилинг «Тоҳир Содиқов»ни олиб, «Жонимни» бергин» дея. Исми шарифларнинг хато ёзилишини ҳам ўқувчига нима беришини ўйлаб кўрса бўлади. Бугун ўзимизнинг «юлдуз»лар сурати туширилган ушбу дафтарни ҳажмига қараб 250-500 сўмдан камига харид қилолмайсиз.

Хуллас, мактабларда муқовасида сурати бор дафтарларни ким узарга тутиш «мода»га айланган замонда 4-5 фарзанди ўқувчи бўлган ота-онанинг ҳолига ачинмай илож қанча.

Ажабланарлиси, ўзбек хонандаларининг сурати босилган дафтарларни ишлаб чиқарган корхонанинг ҳуқуқий манзили кўрсатилмаган.

Аслида дафтар деганлари содда, унинг муқоваси ҳам турли кераксиз бежамалардан холи бўлгувчи эди. Нари борса унинг муқовасида арифметик жадвал(бу ўқувчи учун қони фойда эди), шунингдек бирор бир мутафаккир бобакалонимизнинг соддагина чизма суратию, унинг маънавий сарчашмалар билан тўйинган сўзлари бериларди. Энди-чи?

Тан олиб айтиш керак. Академик шоир Ғофур Ғуломнинг:

- Азиз асримизнинг
азиз онлари
Азиз одамлардан
сўрайди қадрин.
Фурсат ғаниматдир
шоҳ сатрлар-ла,
Безамоқ чоғидир
умр дафтарин

деган машҳур тўртлигини минглаб инсонлар ана шундай содда дафтар муқоваларидан ўқиб ёд олган эди-ку. Хўш энди яна шу ҳолни давом эттирмоқ мумкин эмасми?

Тўғри, баъзилар дафтар ишлаб чиқарувчи корхона ўз маҳсулотининг харидорбоп бўлишини истайди, деб бизга эътироз билдириши мумкин. Аммо билингки, дафтар ҳавас, безак учун сотиб олинадиган буюм эмас, балки эҳтиёждир. Ҳамонки шундай экан, муқовасида берилаётган суратларни унинг рекламасига хизмат қилувчи унсур деб баҳолаб бўлмайди.

Бу ҳақда сизнинг фикрингиз қандай? Мактубларингизни кутиб қоламиз.

Саййид ОЛИМ,
«Mahalla» мухбири.

MAHALLA

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар: Хатлар бўлими: 136-53-75, масъул котиб: 136-53-75 ижодий бўлимлар — 136-53-82, Қабулхона — 136-53-93. Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

ЯПОНИЯДА ҲАМ МАҲАЛЛА БОР. СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТНИНГ АҲВОЛИ. ИФТИХОР.

2001 йил 20 июн
№ 25 (252)

ХАЛҚАРО ҲАЁТ ПАНОРАМАСИ

● **БМТнинг маълумотларига кўра жаҳондаги болаларнинг 66 фоизи икки ва ундан ортиқ тилларда сўзлашишлари мумкин экан. Ҳозир инглиз тилида сўзлашаётган кишилар шу тилни ўз она тили деб қабул қилганларга қараганда кўпроқ экан. Бора-бора инглиз тили билан бир қаторда француз, хитой ва рус тилларда ҳам жаҳон тилига айланиб бориши мумкин деб ҳисоблайди мутахассислар.**

***

● Бокуда Қора денгиз ҳавзасидаги давлатлар парламентларининг навбатдаги 17 кенгаши очилди. Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Туркия, Украина, Молдавия, Болгария, Руминия, Россия давлатлари аъзо. Ушбу ташкилий давлат бир-бирилари орасида туризмни ривожлантиришдан ишни бошлашган бўлса ҳозирга келиб катта-катта иқтисодий масалаларни ҳал қиладиган ташкилотга айланиб бормоқда.

***

● **Тожикистон ички ишлар расмийларининг хабарича Россия маъмурлари Тожикистон ички ишлар вазирининг ўринбосари Хабиб Сангиновнинг ўлдирилишида гумон қилинаётган С.Каримовни республика ихтиёрига топширишга рози бўлганлар. Бу ишга алоқадор яна олти киши ҳам қўлга олинган. Маълумки, Х.Сангинов аввал исломий мухолифат томонида бўлиб, 1999 йилдан бошлаб ички ишлар вазирлигида коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлимни бошқариб келмоқда эди.**

***

● Кейинги кунларда Эронда ҳам сув таҳчиллиги авж ола бошлаган. Дастлаб Балужистонда пайдо бўлган бу муаммо мамлакат энергия вазирининг муовини М.Ғулом Ризоянинг айтишича, яна камида тўртта вилоятда сезилиши мумкин. Шунинг учун у сувни тежаб сарфлашга чақирди.

***

● **Югославиянинг собиқ президенти Слободан Милошевич устидан олиб борилаётган тергов ниҳоясига етган. Шу йилнинг апрель ойидан бери қамоқда сақланаётган бу шахснинг порахўрлиги ва амалини суиистеъмол қилганлиги ҳақидаги материаллар прокуратурага топширилган. Белград маъмурлари С.Милошевични товон тўлаш билан гаровга чиқаришга розилик бермадилар. Шунингдек маҳкама уни Гаагадаги халқаро судга топширишдан аввал мамлакат суди тегишли қарорни чиқариши лозимлигини билдирган.**

***

● Грузия ташқи ишлар вазири И.Менгерашвили Туркия-Грузия муносабатларининг ривожланишидан арманистонлик ҳамкасби ноўрин ҳадиксираётганлигини, иккала давлат ортасидаги муносабатлар Арманистонга қарши қаратилмаганлигини таъкидлади.

***

● **Афғонистонда мухолиф томонлар ўртасида давом этаётган биродаркушлик уруши оддий меҳнаткаш халқ бошига тобора оғир кунларни солмоқда. Кейинги кунларнинг ўзида Шимолий вилоятлардан 47 минг оила ўз уй-жойларини ташлаб тирикчилик илинжида бошқа жойларга кетишга мажбур бўлган.**

Умуман ҳозир мамлакатнинг 1,5 млн. аҳолиси тегишли инсонпарварлик ёрдамни ололмай дарбадар умр кечирмоқда.

Хориж материаллари асосида Ф.ҒОЙИБОВ тайёрлади.

САЙЛАНГАНЛАР ЭҲТИРОМИ

ИШОНЧИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ, АЗИЗЛАР

Инсон яшар экан, ўз умрини мазмунли ўтказишга ҳаракат қилади. Одамлар хизматида бўлиб, уларнинг меҳрини қозонишни орзулайди. Эл меҳри, ишончи эса кишининг зиммасига катта масъулият юклайди, уни тинмай ишлашга ундайди.

Мен илгариги сайловда маҳалла фуқаролар йиғини раислигига сайланганимда ана шундай масъулият туйғусини ҳис этгандим. Маҳалла - қайноқ ҳаёт маскани. Бундай жойда етакчининг ҳар бир хатти-ҳаракати одамлар назарида туради, унинг меҳнатига холис баҳони ҳам халқ беради. Ўтган муддат ичида маҳалламиз фаоллари билан ҳамжиҳатликда иш юритдик. Элнинг корига ярайдиган масканлар барпо этилди. Новвойхона, сартарошхона, ошхона, нуронийлар чойхонаси, ёшлар учун спорт майдончалари доимий ишлаб турибди. Маҳалла аҳлининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва ёшлар тарбиясини яхшилаш борасида учрашув ҳамда суҳбатлар уюштирилди. Асосий тадбирларимиз ёш авлод тарбиясига йўналтирилди. Ютуқлар баробарида камчиликлар ҳам бор, албатта. Эндиликда бу камчиликларни тузатиш, маҳаллада янги-янги иш ўринлари ташкил этиш учун режалар белгиламоқдамиз.

Яқинда маҳалладошларим ва бир неча нуфузли раҳбарлар иштирокида ҳисобот-сайлови ўтказилди. Ушбу йиғинда Олий Мажлис депутатлари - академик Пўлат Ҳабибуллаев, «Адолат» социал-демократик партиясининг раҳбари Турғунпўлат Даминов, туманимиз ҳокимининг ўринбосари Шуҳрат Юсуповлар қатнашишди ва менинг иш фаолиятимга холисона баҳо бердилар. Маҳалла фаоллари - Ҳусан Мирҳодиев, Раҳимжон Мирзакаримов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Отахон Матёқубов, Равиль Альмяшев ва бошқа кўпгина маҳалладошларимиз сўз олишиб, ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар. Йиғинда маҳалла йиғини раислигига мени иккинчи маротаба сайлаш ҳақида сўз юритилди. Йиғилганларнинг ҳаммаси бу таклифни бир овоздан маъқуллаганда мен жуда таъсирланиб кетдим. Маҳалла аҳлининг ишончига сазовор бўлганимдан ғурурландим. Лекин, одамлар ишончи катта масъулият эканини унутганим йўқ. Умрим борича эл-юрт хизматида бўлмоқликка аҳд қилдим, одамлар меҳри кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшди. Айни пайтда йиғинларда бугунги кунда ҳисобот-сайловларда ишонч олаётган ҳамкасабаларим номидан ҳақиқий фаолиятни қадрлаётган халқимизга «Ишончингиз, меҳрингиз учун раҳмат сизга, азизларим!» дегим келади.

Ҳожиакбар АЗИМОВ,
Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Охунбобоев номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

КИМ «НАМУНАЛИ» БЎЛАДИ?

Қашқадарё ҳокимлиги «Оналар ва болалар йили» муносабати билан ҳамда маҳаллаларнинг жамияти тараққиётидаги беқиёс аҳамиятини ҳисобга олиб, воҳада ана шундай кўрик-танлов ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди.

Кўрик-танловдан кўзда тутилган асосий мақсад маҳаллалар фуқаролари моддий фаровонлиги, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини янада ошириш, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, маҳалла аҳлининг саломатлиги, турмуш шароитларини яхшилаш, уларни фойдали меҳнатга жалб этиш, намунали замонавий кўчалар, гузарлар ҳамда ибратли турмуш маданиятини кенг тарғиб этишдан иборатдир.

Шаҳар, туман ҳокимликлари, маҳалла ва фуқаролар йиғинлари кўрик-танловни ҳар томонлама тайёргарлик ҳамда юқори савияда ўтказишлари лозимлиги қарорда алоҳида қайд этилган.

Кўрик-танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тузилган ташкилий қўмитага ва Низомга мувофиқ уни икки босқичда олиб бориш топширилган. Дастлаб у шу йил 10 июлига қадар барча шаҳар ва туманларда ўтказилиб, уларнинг ҳар биридан биттадан намунали маҳалла танлаб олинади. Улар 10 августгача ўтказиладиган иккинчи босқичда иштирок этадилар.

1-, 2-, 3-ўринларга лойиқ топилган ғолиблар вилоят ҳокимлиги, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг Фахрий ёрлиқлари ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланадилар.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ.

Эркин Серкабоев қарийб 16 йилдирки, Тошкент тумани ИИБсининг Паспорт бўлимига бошлиқ.

У бошлиқ бўлинмада ажойиб анъана бор: юз ёшни қоралаган фуқароларга паспорт бериш гўё тўю тантаналардай амалга оширилади.

Бундан ташқари ҳомиладор аёлларга паспорт бериш ҳам маҳалланинг ўзида амалга оширилади. Энг муҳими, кам таъминланган оила аъзоларининг паспорт олиши учун ҳам бир мунча қулайликлар мавжуд.

Суратда: Э.Серкабоев ёш болали онага паспорт топширмоқда.

ҚУТЛОВ!

УМРИНГИЗ ЗИЁДА БЎЛСИН, ЗИЁД АКА!

Умрида эл-юрт олдида юксак қадр-қиммат, катта обрў-эътибор қозониб, пиру бадавлат яшаётган Зиёд ака ҳузурларига келиб, «Сизга ўхшаб юрайлик!» деб сидқи дилдан ният қилганларни кўп кўрганман. Шуниси диққатга сазоворки, орзумандлар орасида турли касб, миллат эгалари, олий мартаба соҳибларию, оддий кишилар бисёр эди. Бугун минг ойнинг юзини кўрган бу инсоннинг барчага баробар қадрли, ардоқли, бой, сирли-синоатли ҳаёт мактаблари, ибратлари барчани қизиқтиради.

1921 йилда туғилган Зиёд Исломович Есенбоев саксон йил давомида озмунча воқеа-ҳодисаларни, қувонч ва ўкинчларни бошидан кечирмаган. 1939-1946 йилларда ҳарбий хизматда, уруш жангоҳларида неча бор ажал оташларида, айрилиқ ўтларида ёнмаган. Тинчлик йилларида маданиятимиз тарихида, хусусан, матбуотимиз, ноширчилигимиз салномасида қанчадан-қанча ўчмас излар қолдирмаган. Одамийлик, инсонпарварлик, касбга садоқат бобида камоли инсон мартабасига эришган. Бу борада асраб-авайлаб, қалб қўри, кўз нури, Оллоҳ берган салоҳияти билан вояга етказган фарзандлари, қатор шогирдлари миннатдорчилигини эшитиб паёнига етиб бўлармикан. У билан дўстлашиб, у ҳақда жон-дили билан дил сўзларини айтган устозлари, замондошлари, юртимизда ҳамда европалик, осиёлик ва америкалик қадрдонлари, машҳур кишилар фикри, эзгу тилаклари мағзини чақиб олиш енгил кўчармикан. Албатта, Зиёд Есенбоевнинг кенг қамровли фаолиятини, ҳаёт мазмунини қамраб олиш осонмас. Аммо, томчида акс этган офтобдек, теран маъноли айрим ўзбек иборалари билан мухтасар ифодаласак унинг мазмунмундарижаси очилар. У ҳам бўлса, энг аввало, Зиёд Есенбоев файзли инсон. Қаерда, қайси даврага кирмасин ўз тафаккури, топоғонлиги, ширинсўзлиги билан файз киритади.

У ўзбек журналистикасининг устозларидан бири. Самарқанд вилоятининг «Зарафшон» газетасидан ўз фаолиятини бошлаган журналист Зиёд Есенбоев «Тошкент ҳақиқати», «Ўзбекистон овози» газеталарида, «Ўзбекистон матбуоти» журналида муҳаррир бўлиб ишлаб, ўзбек журналистикасининг шаклланишига, ривожланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган фидокор. Йигирма бир йил мобайнида Ўзбекистон Давлат матбуоти қўмитасига раислик этиб, юртимиз матбуот ва матбааси, ноширлик санъатининг юксалишида катта ишларни амалга оширган дарға.

Зар қадрига заргар етади, дейди доно халқимиз. Зиёд аканинг саъй-ҳаракати билан нашр этилган икки жилдлик «Матбуотимиз фидойилари» тўплами Ўзбекистон журналистлари, ноширлари, матбаачи, радио ва телевидение, китоб савдоси ходимларининг серқирра фаолиятларига қўйилган абадият ҳайкалидир.



Ҳаммамиз маҳаллада яшаймиз. Маҳалла жамоатчилигининг айтганини, баҳосини Оллоҳ ҳам ижобатга олар экан. Зиёд Исломович Есенбоевнинг қандай одамлигини у яшаётган Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги Оқибат маҳалласи оқсоқоли Ўткир Камоловдан сўраймиз. У қисқа, аммо зўр фахр ва ҳаяжон билан дейди:

- Зиёд ака маҳалламизнинг фаоли, бош маслаҳатчимизлар. Ҳашарларимиз, оммавий тадбирларимизда енг шимариб хизмат қилишдан толмайдилар. Маҳалланинг намунали оиласи соҳиби ҳисобланадилар. Келин ойимиз Тозагул ая Хўжан қизлари аёлларимиз кўрки, ибратли она. Фарзандлари Алишер, Элмира, Вазира, Шерзод, Замира ва Ферузахонлар одоб-ахлоқда, жамоат ишларида маҳалламиз фахридирлар.

Биз, Зиёд аканинг камтарлигига тан берамиз. Маҳалланинг тўй, маъракаларида қатнашиб, кўнгилларни кўтариб, руҳ бағишлаб юришларидан ҳам ўрганамиз, ҳам миннатдормиз.

Муҳтарам зот, ҳамиша шундай шижоатли, ҳамиятли, саховатли бўлиб, узоқ умр кўринг. Халқ баҳоси, Ҳақ тасдиғи сизга ёр бўлсин!

Расул РАҲМОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

MAHALLA га

обуна бўлиш учун ҳеч қачон ҳали эрта ёки кеч деб ўйламанг.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ

ТАРБИЯ – САОДАТ БЕШИГИ

Шўрчи. Бу юртнинг замини муқаддас. Халқи меҳнаткаш, бунёдкор. Айниқса, билимга чанқоқлигини айтмайсизми? Тумандаги устозлар аҳли салкам уч минг кишини ташкил этади.

Провард натижада ёшларга таълим-тарбия беришда қўлга киритилган ютуқлар бисёр. Бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Мамасоат Тоғаев, Мамадамин Менгноров, Шарофат Абдумажидова, Усмон Мелиқулов, Замира Шеронова, Асомиддин Сафаров сингари ўнлаб фидокор ўқитувчилар қилган ҳалол меҳнатнинг маҳсули, тинимсиз ўқиш, изланиш, ўрганишнинг самараси албатта.

...Туман халқ таълими бўлими анча вақт раҳбарга ёлчимай қолди. Қисқа муддатда бир эмас, уч мудир алмаштирилди. Чунки собиқ раҳбарлар йўл қўйган хато ва камчиликлар жиддий эди. Ниҳоят бу лавозимга Неъмат Ишназаров номзоди муносиб кўрилганда барчага маъқул келди. Меҳнат фаолиятини мактабда физика ўқитувчилигидан бошлаган бу инсон, ўн йилдан ортиқ мактаб директори бўлиб ишлаган. У бўлимга мудир этиб тайинланганидан сўнг халқ таълими тизимида кескин ижобий ўзгаришлар рўй берди. Соя ташлаган камчиликлар барҳам топди. Таълим муассасаларида ёшларни истиқлол ғояларига садоқатли, маънавий баркамол, ватанпарвар кишилар қилиб тарбиялашда жамоатчилик фаолияти юқори ўринларга кўтарилди.

«Бир болага етти маҳалла ота-она», дейдилар. Н.Ишназаров ҳам бунга амал қилди. «Таълим тўғрисида»ги қонунга асосан «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини» амалга оширишда маҳалла оила, мактаб ҳамкорлигини йўлга қўйди. Вазифалар белгилаб олинди. Мактаб маҳалла ҳудудида жойлашган. Унинг ўқувчилари ҳам шу маҳаллалик болалар. Шунинг учун оқсоқоллар ва уларнинг фаоллари ижтимоий ёрдамга муҳтож, ночор, кам таъминланган оила фарзандларини ҳар томонлаша қўллаб-қувватламоқдалар.

Маҳаллаларда якка-ярим бўлса-да носоғлом муҳитдаги оилалар бор. Уларнинг қимлиги, нима билан нафас олиши аниқ. Уларга нисбатан жамоатчилик таъсири оширилди. Таълим билан бир қаторда тарбиявий соатларнинг мазмундорлигига эришилди. Болалар қалбига ташаббускорлик, меҳнатсеварлик фазилатлари сингдирилди. Миллий ғурур, миллий одоб, мафкуравий онглилик, ватанпарварлик ғояларини қарор топтириш чоралари кўриляпти. Маҳалла раислари, фаоллари элга танилган баобрў одамлар иштирокида суҳбатлар, кечалар, ўтказилмоқда.

Тумандаги ўқув-тарбия муассасаларида маҳалла йиғинлари, оилалар ҳамкорлигида турли кўрик-танловлари, спорт мусобақалари байрам тантаналари ташкил қилинмоқда. Фарзандларининг камолидан бахтиёр, ўқиши, одобидан бохабар намунали оилаларнинг турмуш тажрибаси оммалаштирилмоқда, «Оила сабоқлари» машғулотлари уюштирилмоқда.

- Ташкилий, тарбиявий, услубий ишларимиз ҳаётга чуқурроқ сингиб бормоқда, - дейди халқ таълими бўлими мудири Неъмат Ишназаров. Маҳалла ўзининг шарт-шароити, атроф-муҳитини таҳлил қилиб, «Ўқувчи-ўқитувчи - ота-она», «Мактаб - оила - маҳалла ва жамоатчилик», «Оила - маҳалла-боғча мактаб» йўналишларида иш олиб бормоқда. Бу борада Олатемир, Озод,- Саортепа, Кўклам, Наврўз, Бўстон маҳалла фуқаролари йиғинлари ҳамда 16-,26-,33-,4-,20-,1-,3-,9-мактаблар амалга оширилаётган ишлари мақтовга сазовордир.

Ҳа, оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги бугунги кунда келажагимиз бўлган ўғил-қизларимизнинг маънавий, маърифий, мафкуравий тарбиясида сув ва ҳаводек зарур.

Омон ШУКУРОВ,
Саййид ОЛИМ,
«Mahalla» мухбирлари.

ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШНИНГ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ

Ҳозирги замон шароитида ҳокимият органлари ҳудудлари самарадорлиги масаласи жуда мураккаб ва кўп қирралидир. Бу ўринда қайси мамлакат, қайси давлат ва қайси ҳокимият ҳақида гап бориши, шунингдек, қайси бошқарув тури муаммолари таҳлил мавзуси бўлганлиги муҳимдир.

Дунёда бугунги кунда ўзини ўзи бошқариш органларининг ривожи ва асосий анъаналар масаласи долзарб бўлиб қолмоқда.

Бу анъаналар маҳаллий бошқарув органлари вазифалари, иқтисодий фаолиятининг тобора ошиб бораётган кўламлари, шаҳарлар ривожи, саноат - иқтисодий ва демографик имкониятлари билан мос келиши зарур.

Масалан, ҒФРда маҳаллий ҳокимият органларини йириклаштириш ислоҳоти 60-йиллар ўрталарида амалга оширилган. Бу ислоҳот натижасида бошқарув ва ўзини ўзи бошқаришнинг самарадорлик тизимини тузишга муваффақ бўлинди. 33 та маъмурий округ 25 тага; 425 та шаҳар 89 тага; 24,5 минг муниципалитет 3,3 мингга туширилди.

Худди шундай Англияда ҳам 1974 йил 1 апрелидан маҳаллий бошқарувнинг янги тузилмаси жорий қилинди: 6 та Метрополитен графиклари деб аталувчи вилоятлар (аҳоли сони 1 мингдан кам бўлмаган) 36 та округга бўлинди, 52 та маъмурий графлик эса ўз навбатида 333 та майда округга бўлинади.

Маъмурий-ҳудудий бирликларнинг йириклашуви маҳаллий ўз-ўзини бошқаришни чегаралаб қўймайди, балки унга янги маъно касб этади.

Агар Германияда «кичик» муниципалитетларда асосан ноиблар мустақил вакил кўрсатган бўлсалар, «йирик» муниципалитетларда кўпчилик ноиблар турли хил фирқалар, ҳаракатлар, уюшмалар вакиллари бўлиб қолдилар. Бу муниципал ҳокимиятнинг иш ва сиёсийлашув даражасини оширди, аҳолининг турли табақалари манфаатлари сифатини яхшилади, шунингдек, уларни маҳаллий ҳокимият ишига жалб этди.

Францияда ҳам маҳаллий ҳокимият органлари мустақиллиги ва ўзини ўзи бошқариш ғояси 80-йиллар бошларида шаклланди. Коммуналар, округлар, департаментлар, регионлар ва давлат орасида ваколатлар бўлиши вужудга келди.

Японияда эса маҳаллий бошқариш маҳаллий ҳокимият принципи асосида қурилган. Марказий ҳокимият ўзининг қарорларини амалга ошириш учун жойларда турли хил филиаллар очиш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари хусусий ва коммунал-хўжалик характеридаги барча соҳаларда катта ўрин тутади.

АҚШда ҳам маҳаллий бошқарувнинг ўзига хос қўриниши мавжуд. Бу ерда ҳудудлар графликларга, графликлар эса округга бўлинади.

Округлар турли кўринишда бўлиши мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, АҚШда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари давлат бошқаруви шаклларига боғлиқ бўлади.

Францияда префект фақатгина умумий маъмурий кўринишдаги шахсга ўхшаса ҳам, лекин асосийси полициячи эмас. Худди Ўзбекистондаги маҳалла оқсоқоли сингари.

Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш анъанаси ҳам узоқ тарихга эга. Агар Европада ўзини ўзи бошқариш шаҳарларда вужудга келган бўлса, Ўзбекистон ҳудудидаги давлатларда тарихда ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳаллалар орқали кундалик эҳтиёжларни, манфаатларни амалга ошириб келишган, ёшлар тарбияси оила фаровонлигини таъминлаш мақсадида турли тадбирларни амалга оширган.

Маҳалла ўзининг тарихий ривожланиш жараёнида жамиятимизда жойлардаги муаммоларни аҳоли маслаҳатлари, кенгаши билан ечадиган жамоат органи бўлиб келмоқда.

Улуғбек РАҲМОНБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси тингловчиси.

МАҲАЛЛА МАВЗУСИДА

Ҳаётимизнинг муҳим қирраси бўлган маҳалла тузилмаси ҳар қанча ўрганишга, тадқиқотлар қилиб, ҳаётга жорий этишга арзийди. Бугун бу мавзу Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси тингловчиларининг ҳам энг долзарб ўрганиш, таҳлил этиш мавзусидир. Қуйида Академия тингловчилари изланишлари маҳсули бўлган мақолалардан эълон қилаяпмиз.

ОИЛА–МАҲАЛЛА ТАЯНЧИ

Маҳалла ҳозир халқ ишончини қозонган адолат маскани ҳамда аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизми бўлиб қолди. У жамиятимизда ислоҳотларнинг амалга оширишда ишончли таянч ва воситага айланди. Шу боис ўта муҳим муаммоларни ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини бундан буён ошириб бориш, уларни зарур моддий воситалар билан ишончли даражада мустаҳкамлаш лозим.

Мамлакатимизда жамиятнинг демократиялашувида оила ва маҳалланинг ўрни янада равшанроқ кўзга ташланади. Бу жараённинг чуқурлашуви натижасида «Маҳалла демократияси» деган тушунча пайдо бўлди.

Ўзбекистонда йўлга қўйилаётган маҳалла демократияси аҳолининг ўз-ўзини бошқаришдаги ўзига хос шакли жаҳон сиёсатдонлари диққатини тортмоқда. Дарҳақиқат маҳалланинг халқ ҳаётига яқинлиги, аҳоли турмуш ташвишлари ва кундалик ҳаёти билан уйғунлиги жиҳатидан давлатнинг демократик жараёнларни чуқурлаштириш фаолиятини анча тезлаштиради. Шу билан бирга давлат бошқарувини астасекинлик билан жамоат ташкилотлар зиммасига ўтказиш, уларнинг ўзини ўзи бошқаришдаги ролини кучайтириш имконини беради.

Маҳалла моҳият - эътибори билан нафақат бошқарув органи, балки чинакам тарбия ахлоқ ва маънавият марказидир. Бугун у оила билан биргаликдаги янги инсонни, дунёқарашни шакллантиришда беқиёс хизмат қилмоқда. Бу нарса оила ва маҳалланинг жамиятни демократиялашдаги муҳим хизматларидан биридир. Бу хизмат Президентимизнинг қуйидаги фикрлари билан тўла мос келади.

«Биз барпо этаётган демократик давлат халқимизнинг маънавий-руҳий дунёсини имкони борича тўла ҳисобга олиб иш юритмоғи лозим. Юксак маънавийлик ва ижтимоий адолатни нозик ҳис этиш, маърифатли ва маълумотли бўлишга интилиш халқимизга хос хусусиятдир».

Бу фикрлар шунинг учун ҳам муҳимки, жамиятнинг демократлашувини маърифатсиз, маънавиятсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Жамиятнинг нечоғли демократлашуви мамлакат аҳолисининг маънавий - ахлоқий ва руҳий камолотига боғлиқ. Аҳоли ўз ҳуқуқ нормалари доирасида яшашни турмуш тарзига айлантира олсагина, чинакам демократияга эришиш мумкин. Бу йўлда оила ва маҳалланинг тутган ўрни беқиёсдир.

Хулоса қилиб айтганда тарихдан маълумки, Шарқ мамлакатларида оила ва жамоатчиликнинг ўрни доимо юқори ўринга қўйиб келинган.

Миллий қадриятларимизда оила муқаддас саналган, жамоатчилик эса кишилик жамиятининг ўзига хос турмуш тарзи сифатида қадрланиб, одамларнинг жамоатчилик билан бирга бўлиш, кўпчиликнинг фикрини ҳурмат қилиш, кенгаш асосида иш юритиш каби кўникмалар асрлар давомида шаклланиб келган. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин оила ва жамоатчилик яна қайта ўз мавқеини, жамиятдаги ўрнини эгаллади. Янгиланиш сиёсий тузумни ислоҳ қилиш, адолатли демократик давлатни барпо қилишда оила ва маҳалланинг роли бугун тобора ортиб бормоқда. Мамлакатимизда жамият бошқаруви аста-секин республика миқёсида ҳудудларга, вилоятлар, шаҳар ва туманлар, қишлоқ, маҳалла даражасига кўчирилмоқда. Республика раҳбарияти ўз-ўзини бошқариш маркази бўлган маҳалларга жуда катта эътибор бераётган экан, шу билан бир қаторда маҳаллаларнинг жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётини барқарорлаштириш, тараққий эттириш борасидаги масъулияти ҳам ошиб боряпти. Биргина бу эмас, ҳар бир ҳудуддаги фуқароларнинг тақдири учун ўз-ўзини бошқариш органларининг масъулият ҳисси кун сайин кўзга ташланмоқда.

Жамиятда оила ва маҳалла ҳамкорлиги туғилаётган кўпгина муаммоларни бартараф этишда, тарихан шаклланган қадриятларимизни анъаналар, урф-одатларимизни янгича кириб келаётган маросимлар билан уйғунлаштиришда катта самара бермоқда. Маҳаллалар барча оилаларнинг кучини ҳаётий масалаларни ҳал этишда жипслаштирмоқда.

Фуқаро йиғинлари туфайли аҳолига тез ва адолатли ижтимоий ёрдам кўрсатилмоқда. Ушбу органларнинг фаолияти туфайли фуқаролар ўзларини бошқарувни амалга оширувчи эканлигини аста-секин ҳис қиляптилар.

Маҳалла ҳозир халқ ишончини қозонган адолат маскани ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш воситаси бўлиб қолади.

Ўзини-ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ролини ошириш учун, аввало улар зиммасидаги вазифалардан келиб чиқиб ҳодимлар сонини кўпайтириш масаласини атрофлича кўриб чиқиш зарур. Негаки, фуқаролар йиғинлари бугун мавжуд бўлган штат бирликлари билан зиммаларига юклатилган вазифаларни талаб даражасида бажаришга эриша олмайдилар. Айниқса Президентимиз Фармони асосида кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирларини амалга оширишда бу нарса кўзга яққол ташланмоқда.

Юқоридагилар билан бирга айтиш лозимки, турли вилоятларда маҳалла фуқаролар йиғинларида тўпланган тажрибаларни оммалаштириш ҳам муҳимдир. Бугун ижтимоий-сиёсий вазият шуни кўрсатмоқдаки, оилаларимизда ва маҳаллаларимизда сақланиб қолаётган миллий анъаналаримиз жамиятимиз равнақига катта ижобий таъсир кўрсатмоқда. Фуқароларнинг, улардан ташкил топган миллионлаб оилаларнинг ҳамжиҳатлиги давлат ва жамиятни тараққиётидаги фаол иштироки, хиссалари туфайли маҳалланинг жамиятда ижтимоий-сиёсий тузилма, ноёб бетакрор ҳодиса бўлиб жипслашиб, мустаҳкамланиб бориши муқаррардир.

Толибжон ҒАНИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси тингловчиси.

«MAHALLA»га мактуб

Оқлон маҳалласи, кўҳна Тошкентнинг Кўкча дарбозаси биқинида жойлашган. Унинг ўзига хос тарихи бор. Ўтган асрнинг бошларида яшаб ўтган Исматилла бойнинг катта гулзор боғи бўлган. Абдулла Қодирий, Чўлпон ва Фитрат домла каби алломалар шу боққа тўпланишиб, турли мавзуларда гурунглашишган.

ОҚЛОНДА ИБРАТЛИ ИШЛАР КЎП

Мазкур даргоҳда ўнлаб олимлар камол топганлар. Албатта бу жойларнинг ҳозирги аҳволи кўпчиликни қизиқтирса керак.

Истиқлол туфайли маҳалла яна ўзининг қадимги жамолини тиклай бошлади. Маҳалламизда истиқомат қилувчи Американинг Кайл Зимирли «Кросслик Интернешнл» ташкилоти орқали камқонликка чалинган ўқувчиларни бепул дори дармон билан даволади. «Кросслик Интернешнл» мактаб биносидаги бир хонани жиҳозлаб, унга тиш даволаш аппарати олиб келиб ўрнатди.

Маҳалламиздаги аёлларни қисқа тиббий курсларда ўқитиш, 22 та аёлга Сертификат бериш ишлари ҳам ушбу ташкилот томонидан амалга оширилди. Кўпгина аёлларимиз бу қисқа курсларда ўқишни давом эттиришмоқда.

Маҳаллада бекорчилар йўқ. Маҳалла фаоли Носир Зокиров жамоатчилик йўли билан 3 та футбол командаси тузиб, ёшларга футбол сирларини ўргатмоқда. Болалар командаси ҳатто мусобақаларга қатнашиб, мукофотни қўлга киритишди.

Футбол командалари учун махсус жиҳозлар сотиб олинди. Маҳалламиз ёшлари учун 141-мактаб спорт залида А.Содиқов бошчилигида бокс тўгараги очилган. Унга маҳалла фондидан маблағ ажратиб берилди. Бундан ташқари, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига дарслик учун маҳалла фондидан пул ажратиб берилди.

Маҳаллада бу жойларнинг тарихини тиклаш ва ўрганишга мўлжалланган музей ва оммавий таълим тарбия ишлари учун клуб барпо этилмоқда.

Ҳашар йўли билан қуриладиган бу бино истиқлолнинг 10 йиллигига муносиб совға бўлади.

Шавкат ШОУМАРОВ,
маҳалла оқсоқоли.

Изҳор

ЗИЁЛИЛАР МАҲАЛЛАСИ

Ўқувчилик даламиз ортда қолди. Ҳамза номли 6-мактаб бизни ўз бағридан учирма қилди. Битирув анжуманида мактабимиз директори Қулмуҳаммад Ёралиев бизга «Бу даргоҳдан жуда улуғ олимлар, санъаткор ва шифокорлар етишиб чиққан. Сизлар ҳам моҳир футболчи Бахтиёр Қамбаралиев, жаҳон чемпиони Шермуҳаммад Турдибоев, хонанда Озода Нурсаидова каби опа-акаларингиздек эл хизматида бўлинглар» дедилар. Мақсуда Сувонова, Дилором Окжигитова, Раъно Умирова каби устозларимиздан биз доимо миннатдормиз. Бизнинг маҳалламизни кўпчилик «Зиёлилар маҳалласи» деб аташади. Чунки, бу ердаги хонадонларнинг деярли ҳаммасида илм қадрланади, Ўз маҳалламиз, юртимиз, Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўшиш учун бел боғлаганмиз.

Аида ЖАББОРОВА,
Тошкент вилояти, Оққўрғон туманидаги Мустақиллик маҳалласи.

Бошда тугун олиб юриш машқи

Саховат

МЕҲР - БИР СИҚИМ ҚАНД

Дондолардан бири шундай ҳикматни ёзиб қолдирганлар: Ўксик қалбга меҳр бахш этмоқ, Бир сиқим қанддан ҳам билгил яхшироқ!

Чиндан ҳам шундай. Кўпгина ярим одамларнинг меҳрдан қуруқ олиб юзига қулоқ тутганини кўраниччизда бу ҳикматнинг тўғри эканлиги ишонч ҳосил қиласиз. Нурота туманидаги «Мурувват уйи» ана шундай меҳр макони. Бу ерда 18 ёшдан то 60 ёшгача бўлган эллиқдан зиёд киши яшайди. Уларга рахбарлик томонидан жамики шарт-шароитлар яратиб берилган.

- «Мурувват уйи»да яшаётганлар жамоамиз маданидан ташқари саховатпеша ҳамюртларимизнинг ҳам бораётган аёнлари ёрдамларини сис қилиб туришибди, - дейди шу даргоҳнинг директори Давлат Тўхтаев. - Файзулла Ҳўжаев номли ширкат хўжалиги раиси Шуҳрат Рустамов, «Чашма» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви Эрмон Қуқмонов, «Фазо» ҳиссадорлик жамияти раиси Зоҳир Шоев сиздаги ҳамюртларимиз «Мурувват уйи»нинг доимо озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришмоқда. Шуниндек, туман «Маҳалла» жамғармаси ҳам тез-тез моддий ёрдам беришади. Ҳамюртларимиз кўпгина даштдан ер ўзлаштириб, сабзавот экинлари етиштиришади. Мевали ва манзарали дарахтлар парваришланаётган. Деҳқонлик ва боғдорчиликдан тушган даромад «Мурувват уйи»нинг шарт-шароитини янада яхшилашга сарфланади. Саховатли одамларнинг ҳиммати бу даргоҳдаги меҳрга муҳтож кишиларга мамнунлик бағишламоқда.

Сачоқ ЭГАМОВ.
Навоий вилояти.

Таассуф

ОҚСОҚОЛНИ ЖАРИМАГА ТОРТИШДИ, ШУ ТЎҒРИМИ?

Мен икки йилдирки, мана шу маъсулиятли вазифани адо этаяпман. Аслида узоқ йиллик педагогик тажрибам бор. Кишиларимизнинг маъ

авий-маърифий ҳамда ҳуқуқий билимларининг ошиши, сиёсатимиз мазмунини теран англаб яшашлари учун бор куч-ғайратимизни аямаяпман. Баҳор мавсумида маҳалламизда кўкаламзорлаштириш ва ободончилик ойлигини ўтказдик. Бу умумхалқ ҳашарида бутун маҳалла-кўй иштирок этди. Лекин, беш кўл баравар бўлмаганидек, орамизда тозалик- соғлик гарови эканлигини тушуниб етмайдиганлар ҳам бор. Дуч келган жойга ахлат тўкаётган ва атрофни ифлослантираётган кишиларни аниқлашга улгурмасимизданоқ туман санитария эпидемиология станцияси ходимлари биз оқсоқолларга энг кам иш ҳақкининг беш баробари миқдорида жарима солишяпти. Бунга нима дейиш мумкин?!

Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисидаги қонуннинг VII бобида, яъни раис (оқсоқол)нинг ваколатларига оид бўлган 22-моддада «Аҳоли пунктлари, сув таъминоти манбалари, уй-жойлар, мактаблар ва бошқа муассасаларнинг санитария ҳолати устидан назорат қилинишига кўмаклашади» дейилган. Ўзаро ҳамжиҳатликда иш юритиб, маҳалла орасталигини таъминлашдек эзгу ишни биргаликда адо этиш ўрнига СЭС ходимлари бизга ўдағайлаб, катта жарима солиб кетишлари инсофданмикин? Ким ҳақ, ким ноҳақ? Бундай пайтда маҳалла оқсоқолини ким ҳимоя қилади?

Мурувват

ФАЙЗУЛЛО ҚУЛОЛНИНГ ТУҲФАСИ

Уста қулол Файзулло Абдуллаевни нафақат китобликлар, балки Қашқадарё вилоятидаги ҳар бир кексаю ёш танийди. Чунки бу инсон қулолчилик санъатини мукаммал эгаллаганидан ташқари, ҳайрли ишлари ҳам эл оғзига тушган. Қулол бобо яқинда 230 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини маҳалладаги камҳарж ва камдаромад кишиларга тарқатиб чиқди. Ўзи ясаган қулолчилик буюмларидан маҳалла аҳлига туҳфа этди.

Фарзандларим уйли-жойли бўлиб кетишган, - дейди Файзулло бобо. - Баъзи бировлар кексалик нафақасига чиққач, «Энди қарилик гаштини сўрай» деб уйларида роҳату фароғатда юришади. Лекин, мен то сўнгги нафасимга қадар оламлар хизматида бўлмоқликка аҳд қилганман. Кимнингдир кўнглини кўтариб, кимнингдир хонадонига салгина малад берсам, ўзимнинг ҳам кўнглим ёришади, тетик ва бардам юраман. Ахир «Савоб ишнинг умри узун» дейдилар. Бу дунёда савоб қилиб, одамларга мурувват кўрсатиб яшаганга нима етсин...

Дониёр МИРЗО.

Таҳрирсиз таклиф

МАҲАЛЛАДА ЖАМҒАРМА БЎЛСА

Маълумки, қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳисобчи штати берилмаган. Шунинг учун ҳам уларнинг ойлик маошларини ўз вақтида олиб бериш, тегишли ташкилотларга ойлик, чоракли ҳисобларни тегишли муддатларда топшириш ва ўзига хос қийинчиликларга дуч келинмоқда. Биз ана шу муаммони ечиш учун марказлашган ҳисоб рақами очиб, маошларни жамғарма орқали олишни ташкил этдик. Бу бизнинг шароитимизда ўзининг ижобий натижаларини бераяпти. Тумандаги 41 фуқаролар йиғини турли органларга ҳисобот топшириш , ойлик маошни олиш учун банк муассасаларига бир неча кунлаб қатнаш ташвишларидан озод бўлдилар. Шундан келиб чиқиб, юқори ташкилотларга иқтисод қилинган маблағ ҳисобидан туман оқсоқоллар кенгаши ва ҳисобчисига бюджетдан маош белгилаш таклифи билан чиқдик. «Маҳалла» хайрия жамғармаси Низомининг туман ва шаҳар бўлинмаларининг асосий вазифалари қисмидаги бандига асосан ҳар бир маҳаллада кичик хайрия жамғармаси ташкил этилса иш самарали бўларди. Маҳалла фуқаролар йиғинлари ўз ҳудудларидаги ҳунармандлар, тадбиркорлар ва турли касбдаги кишиларни яхши билишади. Ҳеч шубҳасиз маҳаллаларда рухсат этилмаган машғулотлар билан шуғулланаётган, давлат рўйхатидан ўтмасдан яширинча фаолият кўрсатаётган «ишбилармонлар» ҳам йўқ эмас. Агар хайрия жамғармаси тузилиб, уларга тегишли ваколат берилса, яширин равишда фаолият кўрсатаётган фуқароларга нисбатан чора кўриш, қонунлар доирасида корхоналар, цехлар очиб аҳолини иш билан таъминлаш ва пировард натижада тўпланган маблағ ҳисобидан кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш имкони туғилади. Кичик хайрия жамғармасига фуқаролар йиғинлари раислари жамоатчилик асосида раҳбарлик қилишлари мумкин. Биз буни тажриба асосида синаб кўрдик. Битта маҳалламизда очилган цехда 14 киши иш билан таъминланди ва қисқа вақт ичида кам таъминланган оилаларга 80 минг сўмдан кўпроқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Дастлабки тажрибалар яхши самара бераётган экан, жамғармалар қошида имтиёзли равишда кичик корхоналар, ҳунармандчилик ширкатлари очиш бўйича Низом ишлаб чиқиб, қонуний ваколат белгилаб берилса айни муддао бўлур эди.

Мамлакатимизда хусусий ер эгалари кўпаяётган ҳамда улар ўз самарасини бераётган бир шароитда, нега жамғармаларга, маҳаллаларга 10-15 гектар сувли ер ажратилиб, уларга деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиш имкониятини яратиб бериш мумкин эмас. Биринчидан, маҳаллалардаги бекорчи кучлар ишга жалб этилади, иккинчидан, жамғарма, маҳаллаларга қайсидир миқдорда иқтисодий имконият яратилади. Мазкур масала бўйича тегишли ташкилотларга, вазирликларга таклиф киритиш лозим .

Турли йиғимлар: коммунал хизмат, газ, сув ҳақларини ўз вақтида ундирилишини таъминлаётган маҳаллаларга маълум миқдорда маблағ қолдирилиши ўзини оқлаётгани шубҳасиз. Жамғармаларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни назарда тутиб, тегишли ташкилотлар олдига солиқларнинг бирор туридан фоиз ҳисобида ажратмалар белгилаш масаласи қўйилса. Ахир маҳаллалар маҳаллий ҳамда мол-мулк солиқларини йиғишда солиқ органларига яқиндан ёрдам кўрсатаяптилар-ку.

Туман ҳокимликлари ёки оқсоқоллар кенгашларига фуқаролар йиғинлари масъул ходимларига интизомий жазо бериш ваколатини бериш керак деб ўйлаймиз. Бу интизомий тартибни мустаҳкамлайди ва ҳозирги пайтда учраб турган баъзи ноҳуш ҳолатларнинг олдини олади. Сиз нима дейсиз?

Н.ҲАМРОЕВ.
Косон тумани Оқсоқоллар Кенгаши «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси раиси

Ҳорманг, ҳамсоя

ҚАЕРДАСИЗ, БОЛАЛИКДАГИ ҚЎШНИЛАРИМ

Камина истиқомат қилаётган Бешчинор қишлоғида икки мингдан зиёд аҳоли яшайди. Қишлоқ маркази доимо гавжум. У ерда маҳалла фуқаролар йиғини жойлашган. Ёнида эса Оталар чойхонаси, савдо дўконлари, сартарошхона... Чойхона шинавандалари «Mahalla» газетасини севиб мутолаа қилишади. Маҳалла оқсоқоли Зоҳиджон Қаҳҳоров ўқимишли, зиёли одам. Газетада чоп этилган мақолалар кишилар ўртасида тарғиб-ташвиқ қилади. Баъзида бу «юмуш» менинг ҳам чекимга тушади. Чунки бу ерда оғоҳлик, оила мавзуси ва бола тарбиясига оид йиғилишлар тез-тез ўтказилиб турилади.

Яқинда маҳалла оқсоқоли менга ярим ҳазил, ярим жиддий қилиб, «Mahalla» газетаси хўб бизбоп нашр экан. Қишлоғимиз кишилари ҳақида шу газетага ёзмайсизми? - деб қолдилар.

Зоҳиджон аканинг бу турткиси узоқ вақт хаёлимни банд қилиб юрди. Ниҳоят қуйидаги кўнгил кечинмаларим қоғозга тўкилди.

Болаликдаги хотиралар гўё тошга ўйиб ёзилгандек миянгда муҳрланиб қоларкан. Беш-олти ёшларда бўлсам керак, ён қўшнимиз билан бизнинг ҳовлимизни ажратиб турадиган девор бўларди. Унинг уст қисми қор-ёмғир шимиб, офтоб нурида қуйиб юпқалашиб қолган, тандирнинг ёнгинаси эса туя ўркачидек бўлиб силлиқланиб кетганди. Чунки бу ерда Отин ойи (қўшни аёл) ва менинг ойим тез-тез суҳбатлашиб туришар эди-да. Отин ойи тандирдан янги узилган жиззали нонни оқ дурра устига қўйиб узатса, ойим ўша дуррага эртаки бодринг ёки помидор солиб қайтарарди.

Бир куни Отин ойи деворнинг ўша пастак жойидан ойимни чақирди. Бир озлан сўнг ойим у ердан уйга бир лаганда оқ ўрик кўтариб келди. Отин ойининг ўғли бозорга оқ ўрик узибди. Қўшниларнинг ҳам янгиликка оғзи тегсин деб бизга насиба чиқарган экан. Ўрикни талашиб едик. Унинг ҳолвалек маъзаси, хуш таъми, ҳиди ҳозиргидек ёдимда. Қачон ўрик есам ўша ҳолат эсимга тушаверади...

Эртаси куни далам ҳовлимиздаги полиздан банд берган тўрт дона хандалакни пешида кўтариб кирди. Унинг ёқимли ҳиди ҳаммаёқни тутиб кетди. Биз ака-укалар уларни биттадан талашиб олиб, қучоқлаб «ўзимизники» қилиб олдик. Акамнинг қўлидаги ҳандалак каттароқ, чиптўр, сап-сариқ ва жуда чиройли эди. Ёнимизга келган ойим уларни кўздан кечирар экан: «Вой, жонивор, дарров пишибди-я, - деди ва уларни қўлимиздан олиб сўрига қўйди. Акам танлаган ҳандалакни эса кўтариб қўшни девор томонга юрди. Деворнинг силлиқланган жойидан туриб Отин ойини чақирди, ҳандалакни узатди. «Деҳқон пирим малад қилсин, ҳосили янаям зиёда бўлсин, эккани, еганни Оллоҳ раҳматига олган бўлсин» деб, Отин ойи дуо қилдилар.

Ойим қайтгач, акам ҳарҳаша қилди: «Нимага меникини, энг чиройлигини уларга берасиз? Кичикроғи ҳам бўларди-да» - деди.

- Ўзингга ёқмаган нарсани қўшнинга ҳам раво кўриб бўлмайди, ўғлим, - деди ойим. - Шу гап қулоқларингга турсин, қўшниларга доим яхши нарсаларни раво кўринглар.

Яна бир воқеа сира эсимдан чиқмайди.

Қайсидир байрам яқинлашиб қолганди. Далам фанердан ясалган яшикни олиб келди. Аскарликдаги акамга совга жўнатмоқчи бўлдик. Ойим кун бўйи кулча-толқон тайёрлади. Ўрик қоқи, майиз, қурт ўзимизлан чиқди. Гузардан хандон писта, болом, ёнғоқ олдик. Опам ўзи тўқиган яп-янги рўмолчани совғага қўшди.

Бир пайт уйимиз рўбарўсилаги қўшнимиз - бева аёл Умри хола кенг кўйлагининг этагида икки дўппича ёнғоқ кўтариб кирди.

- Аскар боламга озгина бўлса ҳам илиндим, - жўнатиб юборинглар, - деди у ҳар бир сўзни салмоқлаб, эркакча овозда.

- Вой, овора бўлибсиз-да, Умри опа , - деди ойим. - Ёнғоғимиз бор, гузардан олдик, қўйинг, неваралларингиз кўп, ейишади...

Назаримда ана шу икки дўппи ёнғоқнинг қадрини ҳеч нарса билан ўлчаб ҳам, баҳолаб ҳам бўлмасди...

Орадан йиллар ўтди. Биз ака-укалар учирма қуш каби турли жойларни манзил айладик. Мен ҳам янги ҳовли, янги қўшниларга эга бўлдим. Уларга доимо ойим айтган яхши нарсаларни раво кўришга интилиб келдим. Бироқ...

Чап томондаги қўшним билан ўртамизда ўн қулочча девор урилмаган, шох-шаббалардан чавра қилиб қўйгандик. Таомил бўйича деворни тиклаш бизнинг «чек»имизга тушганди. Чунки деворнинг ўрни бизга тегишли эди.

- Момо Ҳаво (ойимнинг исмлари) қўй дема, бу ёнғоқ таваррук. Раҳматлик Охун Амин экканлар. Ҳар йили ўша хизматдаги ўғлинг ёнғоқларни териб, саранжомлаб жонимга малҳам бўларди. Оғзи тегсин. Иложи бўлса гузардан олган ёнғоқни ўрнига посилкага меникини солинглар. Сиғса, икковиям кетаверсин. Буни кўргин, ҳар бири тухумлек келади, бойёнғоқ бу! Ичи тўла магиз...

Ойим қулиб-қулиб ёнғоқларни олди. Бир амаллаб уларни ҳам яшикчага жойлаштирдик. Умри хола ҳар бир ҳаракатимизни кузатиб турди. Сўнг хотиржам ўрнидан тураркан, менинг бошимни силаб: - Эртага бу ўғлинг ҳам аскар бўлади. Ҳа, ишқилиб замон тинч бўлсин. Юртимизга кўз тегмасин.

Бошимни силаётган кафтда иссиқ меҳр бормили, билмадим, ҳарқалай томоғимга нимадир тиқилгандай бўлди.

Ёз кунларининг бирида ўғилларни ёрдамга чақирдим. Ўша ерга девор тикламоқчи бўлдик. Ўша ердан қўшнига сув ўтарди. Ариқча устида иккита тахта қўйиб, ариқча ичига тупроқ тушмасин учун қўшни томонда турган, устини занг қоплаган бир қулочча чирик тунукани тенг буклаб тахта устига қўйдик. Бу тунука ўлгур анчадан бери бекор турганлигидан кераксиз деб ўйлаганман-да. Шу тариқа ишга тушиб кетдик. Ҳаш-паш дегунча девор белбоғ кўтарилди. Тамадди қилиш учун айвонга йиғилдик. Кўп фурсат ўтмади, йиқитилган чавралан олинган ўтинни тандир ёнига олиб келган аёлим, ўтинни зарб билан ташлади.

- Эй, боринг-а, анови қўшнини хотин деворни бузяпти, - деди.

Не кўз билан кўрайки, қўшни хотин сув ўтадиган деворни бузишга улгурибди.

- Тунукани нега бу ерга қўясиз, катакнинг эшиги-ку,- ўдағайлади қўшни хотин.

- Э, узр. Мен буни кераксиз деб ўйлабман-да, янга.

-Кераксиз нарса борми? Бир оғиз сўрасангиз отдан тушиб қолармидингиз, тавба.

Хуллас, шаҳд билан чирик тунукани ўрнидан силжитиб олди ва уни судраганча уйи томон кетди.

Табиийки, дилим оғриди. Бир оғиз сўраб қўймаганим учун ўзимни қойилим. Ўғилларим эса сув ўтадиган омборни кўмиб ташлаймиз, сувини топиб ичсин, дейишди. Кўнмадим. Бундай қилиш ярамайди. Ёмонлик қилганга ҳам яхшилик қилиш керак, кейин ўзи уялиб қолади, дедим. Аммо қўшни аёл уялмади. Нақ биз яшаб турган уйнинг орқасига тандир қуриб олди. Ҳар сафар тандирга олов ёққанида шифрлар орасидан тутун бурқсийди. Нима гап деб, юрак ҳовучлаб ҳовли томонга ўтамиз. Қўшни хотинни тандир ёнида кўриб тинчланамиз. «Тандирингизни бу ердан олинг, ўт билан ҳазиллашиб бўлмайди, ҳадик билан яшаяпмиз», десак қулоқ солмайди. Шунда беихтиёр «Ҳовли олма, қўшни ол» деган мақолни эслайман. Қўшнимга инсоф-тавфиқ тилайман. Болаликдаги хотиралар хаёлимда жонланади. Отин ойининг кулимсираб туриб тандирдан янги узилган жиззали нонни оппоқ дурра устига қўйиб ойимга узатаётгани, этагида икки дўппи ёнғоқ кўтариб кирган Умри ҳолам кўз ўнгимдан ўтади. Улар ростдан ҳам жаннати аёллар экан-а, деб қўяман.

Абдулаҳад ЎРМОНОВ.
Андижон вилояти Асака тумани

«Маҳаллага чиқиб, футбол жамоасида қатнашинглар», дейди қишлоқ болаларига пойариқлик уруш фахрийси Жўра ака Сатторов.

Ибрат

КИРОЙИ ШУНДАЙ ЯШАСАНГ...

Оила - жамиятнинг асосий бўғини. Оилалар тинч, аҳил ва фаравон бўлса, жамият ҳам равнақ топади. Йилнинг энг яхши хонадонларини аниқлаш мақсадида кўрик-танловлар ўтказиш анъана тусини олган. Бу синовда маҳалламиздаги Абдувоҳид Маҳмудовнинг хонадони ғолиб деб топилгани ҳаммамизни қувонтирди. Негаки, Абдувоҳид ҳожи намунали хонадон бошлиғи бўлибгина қолмай, у савоб ишлари билан обрў қозонган ажойиб инсон ҳамдир. Ҳар йили байраму ҳайитларда бу одам ўзи бошқараётган «Юсуфжон» фермер хўжалиги ишидан орттирган даромадидан бир қисмини маҳалладаги хасталар, қариялар ва серфарзанд оилаларга тақсимлайди. Жуда кўплаб хонадонларга озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беради. Шу йил кўкламда у камдаромадли 26 та хонадондаги ўғил болаларнинг хатна тўйларини ўз ҳисобидан ўтказиб берди. Маҳалла кексалари - Қутбиддин Дадабоев, Қамбар Мамадалиев, Сабо Мирзараҳимова, Ҳошия Султонова, Заҳро Бойхоноваларнинг оила аъзолари Абдувоҳид ҳожи Маҳмудовдан жуда миннатдордирлар. Яхши оила - маҳалла кўрки. Бундай оилалар эса янада кўпайишини истаймиз.

Ўрмонжон БОЛТАБОЕВ.
Наманган вилояти, Уйчи туманидаги, Гузар маҳалла оқсоқоли.
Нуриддин МУҲИДДИНОВ, меҳнат фахрийси.

Миннатдорчилик

БАРАКА ТОП, БОЛАМ...

«Олтин олма, дуо ол», деганлар. Бу бежизга айтилмаган. Кексалар дуосини олган киши униб-ўсади, одамлар назарига тушади. Шаҳримиздаги Дўстлик маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси Ўктамжон Исроилов ҳамиша яхши ишларга бош бўлиб, биз қариялларнинг дуоларимизни олаётир. Шу йил кўкламда маҳалла ҳудудида юзлаб, минглаб туп терак ва мевали дарахт кўчатлари экилди. Ҳамма ёқ чинни чироқдай ярқираб, жаннатмакон гўшага айланди. Бунинг устига бу ерда яшовчи кексалар ҳолидан хабар олиш, камдаромад ва серфарзанд оилаларни йўқлаш одат бўлиб қолган. Маҳалламизда тилга олса арзигулик эзгу ишлар кўп. Демоқчи бўлганим шуки, маҳалла-кўйга қайишадиган, эл манфаатини ўз манфаатидан устун қўядиган етакчиларни қадрлашимиз керак. Мен Ўктамжоннинг яхши ишларини қўллаб-қувватлаб, унга «Барака топ, болам!» дейман.

Самарқанд вилояти,Каттақўрғон туманида яшовчи 84 ёшли КОМИЛА ая.

Савоб

НАЗАР БОБОНИНГ МИЛЛИОНИ

Биз кейинги пайтда янги ўзбеклар иборасини тез-тез тилга оляпмиз. Янги ўзбеклар кимлар? Нега бу сўзга салбий маъно берамиз? Балки бу сўзга янгилик яратувчи деб қаралса-чи? Бундай кишилардан бири Янги рўзғор маҳалласи фуқароси Назар бобо Турдиевдир.Бу олижаноб инсон фарзандлари-Эркинбек, Тўлқинбек, Ҳамробекларни ёнига олиб, кўп хайрли ишларнинг бошида бўлмоқда. У кишининг қўмаги билан шу йилнинг Хотира ва Қадрлаш кунида қишлоқ қабристони обод қилинди. Қабристон йўлакларини созлаш, панжара тўсиқлар ўрнатиш, дирвозасини янгилаш ҳамда атрофини ободонлаштириш ишларига Назар бобо бир миллион сўмдан зиёд маблағини сарфлади. Бундан ташқари маҳалладаги уруш ва меҳнат фахрийларининг кўнглини олиш, боғча ва мактабларнинг болалари учун хайрли тадбирлар уюштириш бу инсоннинг доимий одати бўлиб қолган. Кексаю ёш Назар бобо ҳиммати учун мамнун. Ахир айтадиларку, «Маккага бормоқ на ҳожат, агар дил овласанг! деб. Одамларга яхшилик қилиб, дилларини овлаётганлар доимо бор бўлсин.

Ғуломиддин СУЛТОНОВ.
Сурхондарё вилояти, Узун тумани.

Қадрли газетхон!

Ўқиганингиз - ушбу мактублар сизда қандай таассурот қолдирди? Ўзингиз яшаётган маҳаллада амалга оширилаётган ишлар хусусида бирров ўйлаб қолгандирсиз? Ё бўлмаса маҳаллангиз етакчисининг фаолятини ўзингизча таҳлил этаётгандирсиз? У қандай ишларни ўринлатди ва қай юмушларни унутди? Айни чоғда шу нарсалар ҳақида ўйлаш муҳим эмасмикин?Фикр - мулоҳазаларингизни бизга ёзиб юборинг. Мактубларингиз ва қўнғироқларингизни кутамиз.

Саҳифани Гулчеҳра ЖАМИЛОВА тайёрлади.

2001 йил 20 июн
№ 25. (252)

«МЕРСЕДЕС» КУЗОВИДАГИ ОТ. ФАРИШТА УЛУҒМИ, ИНСОНМИ? КАЛТАКЛАНГАН БУКРИ.

Яхшилар гулшани

ПАЙҒАМБАРИМИЗ УЮШТИРГАН ҲАШАРЛАР

Қадим-қадимдан ўзбек халқининг ҳаётидаги энг муҳим, катта масала, воқеалар маҳалла оқсоқоллари маслаҳати билан амалга оширилган. Дини Исломда ҳам иттифоқлик, қўни-қўшничилик, жамоат бўли яшаш ардоқланган.

Фозил қори Ёсин ўғли СОБИРОВ

Шундай муборак Ҳадис бор, бир саҳоба кириб Пайғамбаримиз (САВ)дан сўрадилар:

- Ё Расуллуллоҳ, мен яхши одамманми, ёмон одамманми - ўзим билмайман. Қаёқдан билсам бўлади?

Шунда Пайғамбаримиз (САВ) айтган эканлар:

- Ўнг томондаги, чап томондаги, рўпарангдаги қўшниларингдан сўрагин. Агар шу учта қўшни сени яхши деса яхшисан, ёмон деса ёмонсан.

Икки томондаги, рўпарадаги қўшнилар - қиёматли қўшнилардир. Сиздаги барча яхши фазилатлардан ҳам, нуқсонларингиздан ҳам шу қўшниларингиз яхши хабардордирлар. Қиёматда қўшнилар «Яхши одам эди» деб гувоҳлик берса, гувоҳликлари ўтади, дедилар Расуллуллоҳ. «Қиёматли қўшни» дейиш ҳам бекор гапмас.

Ойнаи жаҳонда кўряпмиз, матбуотда ўқияпмиз кўп жойларга кўп балолар - ўт балоси, сув балоси, зилзила балоси, қирғин балолари ёғилмоқда. Оллоҳ диёримизни шундай балолардан сақласин. Бундай балолардан сақлаб келаётганини сабаби бизнинг жамоат, маҳалла ва қўни-қўшничиликдаги бир-биримизга бўлган меҳр-мурувватимиздир. Маҳаллани етимесирларга, қийналган оилаларга, ёлғиз ногирон, кексаларга кўрсатаётган меҳр-мурувватидир. Юртбошимизнинг элим-юртим деб куйинаётганликларидир. Ана шундай файзли азал-абаддан ўзбек халқига хос фазилатларни тарк этмасдан, аксинча, маҳаллаларда мустаҳкамлаб бориш, зўр савобдир. Бир ҳикоя бор. Бир қишлоқда бир букр одам, баъзи одамларнинг букр, букр, деган гапларидан безиб, бошқа бир қишлоққа келибди. Қишлоққа кирса, пайшанба куни экан, масжидда ўтирган жамоанинг ҳаммаси бугун чоршанба, бугун чоршанба дермиш. Букр биладики, бугун пайшанба. Шунда у ҳам кўпчиликка қўшилиб, бугун чоршанба, дебди. Шунда бир одам унга қараб, бу бегона одам бизни орамизга кириб келди-ю, биз нима десак шунга қўшилди. Устоз, бир дуо қилинг, бечора букр экан тузалсин, дебди. Шунда устоз:

- Кўпчиликни ҳурмат қилганинг учун Оллоҳ сенга, шифо берсин, деб букрнинг орқасига қўлларини қўйган эканлар, у соғайиб кетибди. Хурсанд бўлиб, қишлоғига қайтиб келибди. Қишлоқда яна бир букр бор экан, ундан сўрабди:

- Қаерда даволандинг?

- Бир қишлоққа борган эдим, ўша ерда...

Букр у ёғини суриштирмай, ўша қишлоққа қараб кетибди. У ҳам бир ҳафта кейин пайшанба куни кириб борибди. Масжидга кирса: «Бугун чоршанба» дермушлар. Букр айтибдики, сизлар адашяпсизлар, бугун пайшанба, дебди. Йўқ, чоршанба, дейишибди. Букр эса, йўқ, мен аниқ биламан, бугун пайшанба, сизлар ҳаммангиз хато гапиряпсизлар, дебди. Шунда бу, беодобни ур, деб ураверіб баттар букр қилиб қўйишган экан.

Исломда биринчи ҳашар Пайғамбаримиз (САВ) Маккадан Мадинага ҳижрат қилиб борганларида уюштирилган. Ҳашар йўли билан уй қуриб беришди, ҳашар йўли билан масжид қурилди. Мана ўша пайтдан бошлаб Исломда бу одат мўмин-мусулмонларда, айниқса ўзбек халқида давом этиб келади. Ўзбек халқида ҳашар йўли билан ёрдам бериш ҳам бор. Лекин кўп, мусулмон мамлакатларида, бу ажойиб одат йўқ бўлиб кетган. Ҳаммаси пулга ва бошқа нарсага кўчиб кетган. Лекин ўзбек халқида ҳашар ҳаракати давом этиб келяпти. Шунинг учун ҳам диёримизда, халқимизда файз, барака бордир. Бир арабистонлик, Маккада яшайдиган дўстимиз, очқичда гаплашсам, гўшакни олиб, касодга учраганини, сармоясидан ажралганини, уйидан ҳам чиқариб юборишганини, кўчада қолганини йиғлаб гапирди. Акаларингиз, укаларингиз бор, қўни-қўшниларингиз бор қарашмайдими, дедим. Бизда, бундай ҳисоб-китобли ишда ёрдам берилмайдими, дейди. Ўша кунлари, ўзимиздан яъни Қумариқдаги масжид ёнида бир хонадонга ўт тушиб, уй-жойи ёниб кетган эди. Маҳалла йиғилиб, тахта, ғишт, шағал, тупроқ, пул олиб келяпти, ҳашар йўли билан шу уйни кўтаришяпти. Мен ҳашарга борсам битказиб қўйишибди.

Булар ҳаётда бўлиб турган ибратли одатлардир. Бир куни, имом-хотиблик пайтимда бир жанозага бордим. Шунчалик одам кўп, мингдан ортиқ, десам муболаға бўлмайди. Ҳовлиси кўримсизгина, камтарона қурилган иморатлар, мартабали, давлатли одамга ўхшамайди. Лекин ҳурмат қилиб келган одамларнинг адоғи кўринмайди. Секин сўрадим: «Бу вафот этган киши ким эди?» деб. Маҳалланинг тўй, маъракаларида самовар қўярди, чойхоначилик қиларди дейишди. Тўсатдан, 45 ларда бетоб бўлиб вафот этди, дейишди. Маҳаллада халққа хизмат қилгани учун бутун маҳалла жанозасида мотам тутиб турибди. Яна, шундай бир воқеани гувоҳи бўлганман. Бир жанозага борсам, одам тўпланмайди. 10-15 та қариндош-уруғдан бўлак одам йўқ. Маҳаллани кўтардик, бир-икки кишидан бўлак одам келадиганга ўхшамасди. Маҳаллани жанозага - соат нечага айтгансизлар, деб сўрашса мажбур бўлдим. Шунда, маҳалла оқсоқолларидан бири «Жанозани ўқийверинг, бошқа одам келмайди!» деди. Сабабини сўрасам: «Бу одам юқорироқ мансабда ишлармиди, вақти йўқмиди, бирон марта маҳаллага аралашмаган, деди.

Бунга бир саҳиҳ Ҳадис - исбот бор. Пайғамбаримиз бир куни уч-тўрт одам билан турсалар, бир тобутни кўтариб ўтиб қолишади.

- Ким вафот этибди? - сўрадилар Пайғамбаримиз (САВ).

Одамлар жавоб беришдики:

- Оллоҳ раҳмат қилсин, яхши одам эди, яхши одам эди.

Сарвари олам айтдилар:

- Вожиб бўлди! Вожиб бўлди! Саҳобалар сўрадилар:

- Нима вожиб бўлди? Кимга?

- Майитга, марҳумга. Одамлар, яхши деди. Олло: таоло, мана шу одамларни, яхши деганини, қабул этди. Чунки, Оллоҳ олдида, одамларни, яхши деганини қабул этади. Чунки Оллоҳ олдида одамларни, берган гувоҳлиги ўтади.

Инсонлар билан аралашиб ҳаёт кечирилганда, инсонларга яхшилик қилинганда, яхшини яхши дейдилар.

Салдан кейин иккинчи бир тобутни кўтариб ўтишганда?

- Ким вафот этди?

- Ҳа, фалончи.

- О, о, ажаб қутилибмиз-да, ёмон одам эди. - дейишибди.

Шунда Пайғамбаримиз айтдилар:

- Мана шу одамларнинг берган гувоҳлиги ўтди Оллоҳ олдида.

Шундай, қўни-қўшни, маҳалла-қўй, инсоннинг қандайлигини, кимлигини яхши билади, яхши одамни маҳалла-қўй қузатади, ёмонни ҳам, қабристонда, қандай одам эди, деб сўралиши ҳам, бежиз эмас.

ФАРИШТАЛИ ИНСОН эди

Ёднома

Ғайбулла аканинг шогирдларидан бириман.

Бу инсон сира ҳам ёлғиз юрмасди. Доим унинг ёнида адабиётшунос Асил Рашидов, шоир Отаёр, олим Абдусалом Умаров, журналистларнинг устози Сайди Умирлар бўларди.

Бу муҳтарам аллома олимлиги, файласуфлиги, ноширлиги, маърифатчилиги билан маълуму машҳур бўлган. Кейинги йилларда шеърлар ёза бошлади. Бу шеърлар донишмандлик ҳосилалари эди. Домланинг ўз тили билан айтганда, ҳаёт кузатишлари ва умр хулосалари сифатида уларни «фикрномалар» деб аташ мумкин. Бу шеърлар мазмунда ҳам, шаклда ҳам тамоман янги, тоза асарлар.

Домла фаолиятдан , ижоддан тўхтамади. У шогирд тарбиялашда, дўст орттиришда тўхтовсиз давом этди. Ўз навбатида унинг яқинлари имкон қадар домланинг дардини янгиламасликка интилишди. Бироқ... «Шундай аросатли дамларда уйимга кўзларида оғир мунг билан дўстим Эрик Каримов кириб келар, уч-тўрт соатлаб, чой устида менинг юзимга тикилиб ўтирар, сўнг «Ғайбулла ака, мен борай» дея хайрлашарди. Шу билан у индамай менга ҳамдардлик билдирар, юрагимга мадор бўларди...» деб ёзади кейинчалик Ғайбуллоҳ ас-Салом дўсти Эрик Каримов вафотидан сўнг унинг руҳини хотирлаб. «Эрик» деганининг маъносини ўша гап-сўзсиз суҳбатларда билиб олдим, - кашф этишда давом этади буюк аллома. - Эрикнинг отаси 30-йилларда қўлдан кетган Эрк, Озодлик, Мустақилликни қўмсаб, ёлғиз ўғлининг исмини «Эрк» деб қўйган экан. Кейинчалик ўрису ўрисмижозлар бу отни «Эрик» дея гумон-шубҳадан холи, чулчут исмига айлантиришган экан...»

Қишли-қировли кунларнинг бирида Ғайбулла акани йўқлаб бордим. Домланинг «Бодомзор»даги ҳаммага маълум очиқ эшикли ҳовлисига кириб овоз бердим. Дарвозахонанинг ўнг томонидан «кираверинг, эшик очиқ» дея Ғайбуллоҳ ас-Салом чиқиб келдилар. Ўша таниш, нозик, бир бурда ғавда, бошдан айлантириб, эски, жуни тўкилган тивит рўмол боғлаб олган. «Келинг, ичкарига киринг, уй совуқ, газ иситолмяпти. Рўмол ўраб олдим». Тимирскиланиб ечишга тутинди домла.

Ичкари киргач, тезда гап яхши одамлар мавзуига бурилди.

У киши афсус билан яқинда, 50 ёшида фарзандининг тўйи куни вафот топган дўст-шогирдлари Ғулом Ғафур ҳақида куйиниб гапириб қолдилар. - «Ғуломхон, чарчаб қопсиз, бироз дам олиб, чой ичиб кетинг, дея ўтирсам ҳам «Йўқ, тақсир, қиладиган ишларим жуда кўп. Ҳали кўрадиган, айтадиган одамларнинг кўпи олдинда» деб унамади. Кўрганимиз ўша бўлди, раҳматлик, кўп жаннати йигит эди».

Домланинг яқин йилларда Россия мусулмонлари қаторида ҳаж сафарига борибкелганидан хабарим бор эди. Шу хусусда гаплашиб қолдик. «Бир шогирдим, Русияда бадавлат ишбилармонга айланиб кетган экан. Домла, дўст оғайниларингиз, шогирду ҳамкасбларингизни олиб, Москвага етиб келинг, менинг ҳисобимдан Сиз учун 10 одамга ҳаж сафари ва унинг барча ҳаражатлари тўлаб, ҳисоб-китоб қилиб қўйилган. Мусулмончиликнинг бу амалини ҳам бажариб олинг!» деб қолди. Биринчи ёдимга тушгани иним Ғулом Ғафур бўлди, - дея хотирлайди домла. Ҳайё ҳуйт қилиб Россияга учдик. 10 одам эмас, 5-6 та бўлиб, Маккаи мунавварага ҳаж сафарига йўл олдик. Бу Ғуломхон деганингиз ўзи билан бирга поки олиб борган экан, Байтуллоҳга Рус ва Қофқоз мусулмонларининг соч-соқолини қиртишлаб турди. Юзлаб мусулмонларга сартарошлик қилиб, уларнинг худонинг уйига покланиб киришларига сабабчи бўлди. Қиёматлик дўст эди, раҳматли...

Кечаги Ғайбуллоҳ ас-Салом энди тарихга-хотирага айланиб қолди. Тиригида минг бора ўлган одам, ўлигида аллақачон тирилиб ҳам бўлди... Зеро,Ғайбуллоҳ ас-Салом ўзбек халқининг ҳақиқий зиёлиларидан бирига айлана бошлади. Шогирдлар унга шеърий туркумлар, илмий кашфиётлар, улуғ башоратлар бағишлай бошладилар. Фаришталі инсон Ғайбуллоҳ ас-Салом фикрномалари сатрларида шундай ёзганди: «Фаришта улуғми, инсонми? Инсоннинг яшиси фаришталдан ҳам улуғроқ. Негаки, фаришта - фақат фаришта, унда инсонликдан асар йўқ. Бироқ инсонда, агар у яхши бўлса, андак фаришталик хислати ҳам бўлади». Фаришталик инсон Ғайбуллоҳ ас-Саломнинг жойлари жаннатда, руҳи поклари шод бўлсин.

Маҳмуд САТТОРОВ.

Муштарий илҳоми

МЕН ВАТАНДА ҒУРУР БИЛАН ЯШАЙМАН

Мен бир жаннат ўлкасида ғурур билан яшайман.
Садоқатли ватанимга, шуур билан яшайман.
Кўм-кўк тиниқ осмон узра, юлдузлар мавж урганда,
Мусаффо тонг ҳавосидан ҳаёт иниъом этганда,
Мен бахтлиман Истиқлолнинг қуёшида яшайман.

Ўз элимга меҳр ила садоқатда яшайман.
Ботирлари ўғлонлари соясида яшайман.
Темурий-ю, Алишернинг ғоясида яшайман.
Алпомишу, Фарҳодлари яшаб ўтган Ватанда,
Руҳим тетик ғурур билан келажакни кутаман.

Эрк берган бу Ватанимнинг юрагида яшайман,
Вафо билан садоқатнинг тилагида яшайман.
Ватан учун жонин берган, ўғлонлари бор юртда,
Ғурурини қўлдан бермас мардлар билан яшайман.
Жондан азиз тупроғини кўзларимга суртаман.

Илм излаб, жаҳон кезган, олимлари бор юртда,
Садоқатли, доно, зукко, юрт бошиси бор элда,
Доим сергак, чегарада мардлар билан яшайман.
Мардлар юрти Ўзбекистон, ватанида яшайман.

Чўлпоной МЕЛИҚЎЗИЕВА

«Футболимиз келажаги»

СУРХОНДАН ПЕЛЕЛАР ЕТИШИБ ЧИҚАДИ

Бу галги анъанавий кубок мамлакатимизнинг жанубий вилоятидаги ўсмирлар ва болалар ўртасида футболнинг қанчалик кенг қамров касб этиб бораётганини яна бир карра кўрсатмоқда.

Бу сафар вилоятдаги маҳаллалардан ўтиз минг нафардан ошиқ навниҳол футболчи-ҳаваскорлар ўзаро беллашувларда фаол иштирок этишди. 651 та маҳалладан қатнашган болалар ва ўсмирлар илк бор мағлубият ва ғалаба нима эканлигини татиб кўришди.

Термиз шаҳрида, Денов ва Шеробод туманларида, Қумқўрғон туманида туман ва шаҳарларнинг мусобақалари ўтказилди. Мусобақа ўтказилган тўртта ҳудуддан тўртта ғолиб гуруҳ аниқланди. Энди улар 15-16 июл кунлари Термиз шаҳридаги марказий «Алпомиш» ўйингоҳида вилоят босқичи мусобақаларида қатнашадилар. Турган гапки, тўртта гуруҳдан бирининг қўли баланд келади.

Яна бир нарсаки, ҳудудий мусобақалар футболнинг тобора оммавийлашиб бораётганлигини, беллашувларга иқтидорли болалар тўғри танланганини кўрсатди. Шунингдек, тегишли мутасаддилар ёш футболчиларга керакли шарт-шароит қилиб берганликлари ҳам яққол кўзга ташланди.

Юқорида айтилганлардан вилоятдаги барча туманлар ҳам «Футболимиз келажаги» кубоги учрашувларида фаол қатнашибди-да, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Айрим туманлардаги маҳаллалардан дастлаки босқичларга номигагина, хўжакўрсинга гуруҳлар қатнашдилар. Термиз, Олтинсой, Узун туманларидан ҳудудий мусобақаларга футбол жамоалари мутлақо қатнашмади.

Лекин қандай бўлганда ҳам минглаб болалар ва ўсмирларнинг ўй-хаёлини банд қилиб олган кубок беллашувлари вилоятдан салоҳиятли футболчилар етишиб чиқишига қатъий умид боғлаш мумкинлигини яна бир карра кўрсатди.

Эрта бир кун бу ердан дунё футболига довруқ соладиган Пелелар етишиб чиқмайди деб ким ҳам айта олади.

Маҳмуд Абулфайз.

Суратда: Пойтахтимиздаги 22 -мактаб ўқувчиси Элмурод Ҳакимов ҳозирданоқ ўз санъати билан катта концертларда қатнашиб эл назариға тушмоқда.

Р.НУРИНКОЕВ олган сурат.

КРОССВОРД

БЎЙИГА: 1. Алгебра, Ал... 2. Дўст. 3. Озодлик. 4. Сигир ҳам, бузоқ ҳам эмас. 5. Шахсий қизиқиш, интилиш, йўналиш. 6. Авто (чет). 7. Халқ ижоди. 10. Йўлдош. 19. Сартарош қуроли. 20. Тана қисми. 21. Баҳона. 22. Мева (хориж)ё 29. Нилуфар қисқача ... 38. Бемор, касал. 30. Волида. 33. Мактуб. 34. Дард, ... 35. Ўзбекистондаги туман номи. 36. Қизғониш. 40. Чайла. 42. Ҳарбий ўспирин. 44. Табиат жилоси. 48. Қадимда берилган титул соҳибаси (аёл). 50. Европадаги шаҳар. 51. Марҳум «либоси». 53. Авто шаҳар. 54. Энг вафодор таом. 56. Чўп, ҳашак. 61. Азиз неъмат. 66. Кўрикчи. 70. Сўзлар мажмуи. 72. Куёш. 74. Тошкент шаҳридаги қадимий ва абадий гузар. 78. Масала, тўсиқ. 79. Йиртқич парранда. 81. Бойлик. 82. Мевали дарахт. 83. Буви, она (шевада). 85. Энг керакли ва бебаҳо бойлик. 91. Сўз билан тўғри йўлга солиш, ёрдам. 91. Натижа. 92. Келин мулки. 94. Пайғамбар. 96. Қўшин. 97. Яхши йўлга бошлаш учун айтиладиган сўзлар. 98. Тасалли. 100. Қабр. 101. Умрибадиий дарахт. 105. Нишли жонивор. 119. Ичимлик. 120. Бемор.



ЭНИГА: 6. Қозоғистон спорт мажмуи. 7. Айлана, мус. асбоби. 8. Зиё. 9. Жаҳаннам. 11. Аждодлардан қолган бойлик. 12. Кел. 13. Хорун ... Рашид. 14. Авто (чет эл) 15. Нопок совға. 16. Оёқ кийими. 17. Ўзбек футболчиси. 18. Ҳид. 23. Самолёт русуми. 24. Арманистон пойтахти. 25. Кийик. 20. Собиқ «Пахтакорчи» 22. Тамом. 26. Қитъа. 27. Қадимий қавм. 28. Гуруҳ, НА... 31. Қурилиш ашёси. 32. Муқаддас зиёрат. 35. Суяк, Сунгак. 37. ... Бухорий. 79. Вақт, фурсат. 41. Атлантика ороли. 43. Сарф. 44. Америка қитъасидаги «қизил» орол, давлат. 45. Улфат. 46. Қадимий «кровать» 47. Намозхонлар сардори. 49. Инн. 52. Суг маҳсулоти. 55. Ога. 57. Аралаш ранг. 59. Қадимий уруг. 62. Америкалаги сахро. 63. Куёш. 64. Ой. 65. Қад. аёллар салтанати. 67. Россиялаги шаҳар. 69. Наҳанг. 71. Падар. 75. Невара фарзанди. 75. Нав. 76. Чирой. 77. Хаё. 79. Йиртқич ҳайвон. 80. Отанинг аёл қариндошлари. 84. Уриниш, қимирлаш. 86. Синов. 87. Уста, моҳир. 88. Оила бошлиғи. 89. Ёқимсиз ис. 92. Бироз. 94. Ёғин тури. 95. Ақл. 99. Нота. 100. Нон нави. 102. Ҳасса. 103. Ҳаво сайёҳлари нажоткори. 104. Чой. 105. Шифокор, касб. 108. Полиз экини. 106. Розилик жавоби. 113. Ил. 109. Мўлжал. 110. Бўёқ. 111. Қомуснома муаллифи. 112. Ол. 114. Соч қуроли. 115. Чолғу асбоби. 116. Сочсиз. 117. Дунё олам. 118. Мафтункор, қизиқ.

Тузувчи: Гулбаҳор АЗИМОВА.

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета MAHALLA — 148 Нашр индекси

Обуна сони

2001 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгох)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

п.в Жойи

MAHALLA — 148 Нашр индекси

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

2001 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгох)

Кимга

АБОНЕНТЛИК ВАРАҚАНИ ТЎҒРИ ТЎЛҒАЗИШНИ УНУТМАНГ!

ОЛАМ ТУРФА

ФОЙДАЛИ ТАДБИР

Ўша куни Тамбовдаги 53 мактабнинг синф хоналаридан бирини жиддий эркак ва аёллар тўлдиришган эди. Область бошқарув органларида турли лавозимларда ишловчи бу ходимлар рус тилидан диктант ёзишга чақирилишган эди.

Ўқитувчи Галина Скворцова газетада босилган унча осон бўлмаган публицистик мақолани диктант учун танлаб олган бўлиб матн орфографик ва синтаксис жиҳатдан анча мураккаб эдики бу амалдорларни бир оз тер тўкишга мажбур қилди. Ёзма ишни ёзиб бўлган мансабдорлар иш жойларига тарқалишга худди мактаб болаларидан диктантнинг натижасини кутиб туришди. Натижа ҳар ҳолда ёмон бўлмади, келганларнинг деярли ҳаммаси синовдан ўтишди. Мазкур шаҳарда ўказилган бу тадбирни вақти-вақти билан бошқа жойларда турли лавозимдаги мансабдорлар ўртасида ўтказилиб турилса фойдадан ҳоли бўлмас.

ТУШГАН ЖОЙИНИ КЎРИНГ

Яқинда новосибирскликлар қизиқ бир йўл ҳаракати ҳодисасинг гувоҳи бўлишди. Чорраҳада «яшил чироқ» ёнишини кутиб турган «Мерседес» кузовида от турарди... Воқеа аслида бундай бўлган эди. Чорраҳада йўл очилишини кутиб турган «Мерс» орқасида юк автомобили устида от олиб келинаётган эди. Орқадан келиб қолган тракторнинг қаттиқ овози кузовда турган отни ҳуркитиб юборди ва у ўзини машинадан отиб «мерс» устига тушади. Гўё унга ердан жой топилмагандек.

ЙЎЛАКДАГИ 15 МИНГ ДОЛЛАР

Кёлнли 40 яшар аёлни қилган иши полициячиларни лол қолдирди. Гап шундаки, бу аёл кўчадан 15 минг доллар топиб олиб уни полиция бўлимидагиларга топширди. Аёлнинг ҳалоллиги соқчиларни ҳақиқатдан ҳам ҳайрон қолдирган эди. Маълум бўлишича, шу шаҳарнинг кекса бир фуқароси бу пулни эрталаб банкка қўйиш учун олиб кетаётганида йўқотиб қўйган экан. Пули топилганидан хурсанд бўлган бу кекса пулини топиб олган аёлга чин кўнгилдан миннатдорчилик билдириб бир шиша шампан виноси ва бир миқдор пул билан сийлади.

МАРҲУМ ЮРАГИДАГИ БАТАРЕЯ

Франциянинг Турин шаҳридаги крематорийни (ўлик куйдириладиган бино) портлашига, марҳумнинг юрагига қачонлардир ўрнатилиб битиб кетган стимулятор сабаб бўлди. Ҳеч ким ҳатто унинг улимидан кейин жасадини ёндиришга қарор қилган қариндошлари ҳам бундай ҳалокат юз беради деб ўйламаган эдилар. Марҳум ҳам бу дунё бидан хайрлашатуриб крематорийни портлатишни ҳаёлига келтирмаган бўлса керак. Портлашни сабаби аниқланишича, унинг юрагига қўйилган ва оддий батареяларда ишлайдиган стимулятор бўлган. Афтидан, катта температурала стимуляторлги батареялар кимёвий реакцияга киришган ва крематорийни портлашига олиб келган.

Ф.ГОЙИБОВ тайёрлади.

Ўғлим, сенга машина олиб берайликми, ёки уйлантириб қўяйликми? - Яхшиси машинаси бор келин олиб берақолинглар. .

А.ҲАКИМОВ чизган

MAHALLA

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати: Шуҳрат ЖАЛИЛОВ, Иброҳим РАҲИМ, Расул РАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ

Навбатчи: Олим БЕГАЛИЕВ

Сахифаловчи А. ЮЛДАШЕВ

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-2437 Топширилди—